«Орол муаммоси болалар кўзи билан»

Ушбу номдаги халқаро болалар конференцияси қатнашчилари кеча Тошкент аэропортидан Нукусга учиб кетишди. Улар орасида Ўрта Осиёдан ташқари Голландия ва бошқа давлатлардан таклиф этилган болалар ҳам бор.

—Бундай конференция Ўзбекистонда биринчи марта ўтказилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси қошидаги «GEF» агентлиги раҳбари Рим Гиниатуллин. — Долзарб вазифа олдида турибмиз. Бу вазифа болалар ҳаётини ҳам қамраб олган экан, уларнинг бевосита иштироки фойдадан ҳоли бўлмайди. Болалар фикрини ўрганмасдан туриб уларга қандай ёрдам бериш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган «PERZENT» соғлиқ ва атроф-муҳитни сақлаш маркази ҳамда Буюк Британиянинг «Болаларни сақлаш» халқаро жамғармаси ушбу конференциянинг бош ташкилотчиларидан. «GEF» агентлиги эса бу ташаббусни қувватлаб, зарур бўлган барча тадбирларни ҳозирлаб қўйди. Конференция илгаригиларидан фарқ қилиб, турли йўналиш ва тавсияларсиз, болаларни Орол муаммоси билан яқиндан таништириш руҳида ўтиши кўзда тутилган. Конференция Нукус шаҳрида тўрт кун давом этади.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Янги мактабда ўқишмоқда

«Халқобод» ижара хўжалиги аъзолари фарзандларининг қувончи чексиз. Пойариқ туманидаги бу хўжалик раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари билан замонавий, қўшқаватли янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. 24 миллион сўм маблағ ҳисобига қад кўтарган бу мактабда илк бор қўнғироқ янгради. 320 нафар ўқувчини бағрига олган мактабда янги ўқув йили ана шундай байрамона кайфиятда бошланди.

Аъзам ХЎЖАҚУЛОВ

«Эски мачит» Қоҳирада

Қарши шаҳар «Эски мачит» театр студияси Миср Араб республикасининг Қоҳира шаҳрида бўлаётган экспериментал театр студияларининг халқаро фестивалида иштирок этмоқда. 10 кун давом этадиган халқаро фестивалда театр жамоаси таниқли адиб Чингиз Айтматовнинг « Найман она нидоси» асари асосида тайёрланган спектаклини намойиш этади. Шуниси диққатга сазоворки, бу саҳна асари шу йил Бишкек шаҳрида ўтказилган халқаро фестивалда бош совринга сазовор бўлган эди.

Мухтасар КАРИМОВА

Ўзбекистонда корейс маданияти ҳафталиги

13-18 сентябрь кунлари Тошкентда корейс маданияти ҳафталиги бўлиб ўтади. Бундай байрам мамлакатимизда иккинчи марта ўтказилаётир.

— Мазкур байрам корейс ва ўзбек халқи ўртасидаги ҳар томонлама дўстона муносабатларни ривожлантириш, уларнинг миллий маданиятларини сақлаш ва юксалтириш, шунингдек, халқингиз билан Ўзбекистонда яшовчи корейс миллати вакиллари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида ўтказиляпти, — деди Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси консули Чан Хонг Ин жаноблари «Туркистон-пресс» мухбири билан мулоқотда. — Истагимиз шуки, бу ерда истиқомат қилаётган миллатдошларимиз ўз маданиятларини унутмасин ва ўзбек маданиятини ҳам ҳурмат қилсин. Маданият ҳафталиги халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиради. Бу эса, ўз навбатида, кўп қиррали алоқаларимиз ривожида муҳим омил бўлади, деб ўйлайман.

Ҳафталик доирасида Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида корейс тасвирий санъати усталарининг 200 дан ортиқ суратлари, корейс халқи амалий санъати ва миллий турмуш тарзига оид кўплаб асарлар, Жанубий Корея адиблари китоблари кўргазмаси намойиши, «Сайилгоҳ» майдонида эса корейс халқ ўйинлари ва урф-одатлари ҳамда келин туширириш маросими ўтказилиши кўзда тутилган.

«Туркистон-пресс»

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 11 сентябрь, шанба • № 108 (25.503).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

XXI аср ўзбек ёшлари





Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг ҳамда республикамизнинг етакчи банк-молия муассасаларида тажриба орттириш Банк-молия академиясида магистрлар тайёрлаш бўйича ўқув жараёнининг энг муҳим босқичи ҳисобланади. Тажриба орттириш жараёнида магистрантлар ўзларининг академияда олган назарий билимларини илғор чет эл технологиясига асосланган банк-молия тизимида синаб кўриб, янги ғоялар билан қуролланади.

Бу йил ҳам Банк-молия академиясининг аксарият магистрантлари АҚШ, Япония, Буюк Британия, Голландия каби ривожланган давлатларнинг йирик банк-молия муассасаларида тажриба орттириб қайтишди. Яқинда академиянинг бир гуруҳ магистрантлари Голландияда — Маастрих менеджмент мактабида тажриба орттириб келишди. Улар Голландиянинг йирик банк-молия муассасаларига ташриф буюришди. Айниқса, Амстердамда жойлашган ABN AMRO банкининг бош офисига ташриф магистрантларда катта таассурот қолдирди. Банкнинг ўқув залида банк менеджерлари, йирик мутахассислари томонидан банкнинг Голландия иқтисодиётида ва жаҳон банк тизимида тутган ўрни, банк тизимидаги мавжуд таваккаллар, уларнинг олдини олиш йўллари тўғрисида сўзлаб берилди. Тажриба орттириш якунида Маастрих менеджмент мактабининг директори доктор Аль Намаки томонидан магистрантларга тантанали равишда сертификатлар топширилди.

Владимир ПАНОВ олган суратлар

ХДП хабари

Самимий учрашув

1999 йил 7 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги ишларининг муваққат ишончли вакили Даниель Хунн қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов Ўзбекистон ХДПнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеи ва иштироки, бўлажак сайловларга тараддуди ҳақида сўзлаб берди.

Швейцариялик меҳмон Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва мавжуд сиёсий партиялар, хусусан Ўзбекистон ХДПнинг, фаолияти, уларнинг бўлажак ялпи сайловларга ҳозирлик кўриш ишлари билан қизиқди.

Суҳбат давомида ҳар икки мамлакат парламентчилари ва сиёсий партиялари ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатиш ҳамда уларни ривожлантириш зарурати борлиги эътироф этилди.

Самимий руҳда ўтган учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Омон бўлай десанг, огоҳ бўл!

Истиқлол даъвати

Халқимизнинг тинчлиги, мамлакатимизнинг осойишталиги — энг улуғ неъмат. Давлатимиз раҳбари бу ҳақиқатни мудом уқтириб келмоқда ва уни ўз сиёсатининг асосий ғояси деб билмоқда. Чунки ҳаётнинг нашъаси — тинчлик билан, умрнинг сафоси — хотиржамлик билан!

Лекин дунёда умумнинг ҳаловатини бузиш, бегуноҳ қалбларга қутқу солиш, халқ закоси билан бунёд бўлган обидаларни барбод этишни мақсад деб биладиган ва шундай манфур ишлардан завқ туядиган кимсалар ҳам, афсуски, кам эмас. Собиқ совет даврида ана шундай золимлардан нечтасини кўрдик. Улар халққа қанча кўп озор етказса, шунча кўп доҳийлик даъво қилар эди.

Уларнинг «издош»лари бугунги кунда ҳам гоҳ унда, гоҳ бунда кўзга чалиниб турибди. Фақат буларнинг нағмаси бўлак: биз ислом давлати қурамиз, неча асрлардан буён амалга ошмай келаётган орзуни амалга оширамиз — бугун дунё мусулмонларини ягона халифатчилик байроғи остида бирлаштирамиз.

Бундай даъволарни эшитиб, кулгингиз қистайдию билгингиз келади: муҳтарам «доҳий»лар, барчамизга инсон деган шарафли ном берилганининг ўзи биз — Одам болаларига хос умумий бирликни англатмайдими? Оллоҳнинг берганига қаноат этмай, яна Оллоҳ номидан сафсата сотиш риёкорлик эмасми? Қолаверса сизга берилган ҳуқуқ-фикр юритиш, мулоҳаза қилиш имкони бошқаларга ҳам берилган. Бир-икки киши ҳамма учун фикрлайдиган, бир-икки қовоқбош бутун башарият номидан гапирадиган замон — совет даври ўтиб бўлди.

Аслида уларнинг мақсади бошқа: улар мўминларни эмас, балки халқлар иродасига қарши қаратилган нафратни бирлаштиришни, ҳокимиятга эришиш йўлидаги кир мақсадларни уюштиришни ўйлаб юрибди. Қирғизистоннинг Боткент туманидаги воқеалар буни яна бир карра тасдиқлади. Лекин бу ўйин нақадар хатарли эканини улар хаёлига ҳам келтирмаса керак.

Эсингизда борми, Афғонистондаги можаролар ҳам қачонлардир ана шундай мақсад — ислом давлати қуриш ғояси остида авж олдирилган эди. Орадан неча йиллар ўтди. **Қани ислом?**

Қаерда тинчлик, аҳиллик ва тотувлик бўлса, қаерда меҳр-оқибат азиз деб билинса, ислом ҳам ўша ерда. Оллоҳ — рози-ризоликда кун кечираётган бандалар билан бирга. Жаҳаннам ўтида қоврилаётган заминда ислом нима қилсин! Ахир, «ислом» деган сўзнинг луғавий маъноси ҳам тинчлик эмасми!

Фирибгарликни қарангки, Қирғизистон ҳудудига бостириб кирган ғаламислар ислом — тинчлик сўзини байроқ қилиб, уруш-жанжални бошламоқчи, халқнинг оромини бузмоқчи, бутун минтақани ҳарбий можаролар майдонига айлантирмоқчи. Дурустроқ ўйлаб кўринг, умумий фаровонлик ўрнатамиз, дея одамларнинг молмулкини қирғинбарот этган, майхўрликка барҳам берамиз, деб узумзорларнинг шўрини қуритган коммунистлардан нима фарқи бор буларнинг? Ўша-ўша фирибгарлик, ўша-ўша найранг!

Дунёдаги халқларнинг хилма-хил ва бетакрорлиги — Оллоҳнинг энг буюк мўъжизаси. Модомики шундай экан, ҳаммага бир хил либос кийдириб, барчани бир тилда сайратиш, одамларни инсонликдан маҳрум этиб, катта «доҳий»ларнинг кичик нусхалари — доҳийчаларга айлантириш худойимнинг ўзига маъқул келармикан! Ахир, қолаверса, биз бундай тақдирни бир бор яшаб кўрдик — боғчадаги боладан то шахтадаги кончигача — барчанинг Ленинга ўхшаб гапиришу Ленинга ўхшаб «донолик» қилиши қатъий қоида бўлган жамиятни бошдан кечирдик. Энди етар, бас, **ёмғирдан қутилиб, довулга тутилмаймиз**! Тилимизни эндигина топганимизда тилимизни ўзгартириш, динимизни эндигина топганимизда динимизни ўзгартириш, эндигина ийманга ўрганганда дилимизни ўзгартириш — ота-боболаримизга хос иш эмас.

Тасаввур қилинг, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари ўзининг давлатчилик низоми — «Темур тузуклари»да адолатли жамиятни қандай бошқариш, давлат ишларини қандай йўлга қўйиш, фуқаро ва раиятнинг осудалигини қандай таъминлаш — хуллас, мамлакатдорликнинг ўзи орзулаган барча шартларини батафсил баён қилиб берган. Лекин бутунги ваҳҳобийлар бизга тиқиштирмоқчи бўлаётган ғоя — халифатчилик ҳақида бир оғиз ҳам гапирган эмас. Яна бир буюк аждодимиз — Заҳириддин Муҳаммад Бобур улкан салтанат барпо этди, давлатчилик борасидаги тажрибаларини умр китоби — «Бобурнома»да ёзиб қолдирди. Шу қадар буюк ақл ва қудрат соҳиби бўлса-да, халифатчилик ғоясини тилга олган эмас.

Адолатли жамият фалсафасини яратган Абу Наср Форобий ва яна кўпдан-кўп донишманд боболаримиздан бирортаси ҳам бундай амалга ошмайдиган тузумни орзу қилгани йўқ.

Маълум бўладики, халифатчилик тарафдорлари ўзларини ҳаммадан ақлли деб билади, ўзларидан бошқа ҳеч кимни тан олмайди. Бундан ҳам мудҳишроқ жаҳолат борми дунёда!

Бутун дунё ривожланишнинг умумий тамойиллари асосида тобора кўпроқ ҳамкорликка киришаётган, **умумий цивилизация, умумий хонадон** ғоялари реал воқеаликка айланиб бораётган, мустақилликка эришган Ватанимиз ҳам бу жараёнга дадил қўшилаётган бир пайтда **тараққиёт ўрнига таназзул** йўлини тутиш қайси ақлга тўғри келади! Ахир, инсоф билан айтинг, йигирма биринчи аср одами еттинчи саккизинчи асрларга хос хаёт тарзини қандай қабул қилади? Борингки, одамлар қабул қилди ҳам, дейлик, аммо бугунги техник юксалиш, бугунги тараққиёт қонуниятлари уни қабул қиладими? Ахир, ҳаёт деган зарурат, яшаш деган эҳтиёжнинг ўзи бизни бугунги тараққиётга олиб келмадими! Энди қайси зарурат, қайси эҳтиёж туфайли ортга қайтамиз? Ёки бу тириклик дунёсида инсондек яшаш ва ҳаёт кечиришдан ҳам муҳимроқ зарурат борми?

Бу ҳақиқатларни, бизнингча, халифатчилик тарафдори бўлган кимсалар ҳам яхши билади. Лекин мақсад қон тўкиш, иккинчи Афғонистонни вужудга келтириш бўлгач, ғоя амалга ошадими, йўқми-нима фарқи бор? Муҳими — қурол-яроқ билан, гиёҳванд моддалар билан, одамлар

(Давоми 2-бетда)

Қирғизистондаги воқеаларга доир

Қирғизистон ҳукумати Россия ҳарбий авиациясининг жанговар самолётларини қабул қилишга тайёрлик билдирди. Бу техникани Тожикистон орқали мамлакатга кириб олган жангариларга қарши курашда қўллаш мўлжалланмоқда. Қирғизистон Президенти А. Акаевнинг фикрича, баланд тоғли шароитда террорчи тўдаларни йўқотишда айнан самолётлар жуда қўл келади.

Қирғизистон раҳбари бу муаммони ҳал этишда мамлакатга Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистон ҳарбий-техник ёрдам кўрсатаётганини ҳам айтди. Унинг таъкидлашича, республика жанубида мазкур уч давлат ҳарбий мутахассислари иштирокида бирлашган штаб тузилган.

А. Акаев, шунингдек, айни пайтда жангариларни йўқотиш учун етарли даражада куч тўплангани, фақат гаровдагиларнинг ҳаётини хавф остига солмаслик учунгина террорчи тўдаларга қарши ҳозирча кескин чоралар кўрилмай турганини таъкидлади.

***

Қирғизистон Мудофаа вазирлигидан олинган хабарларга кўра, сўнгги кунларда мамлакатнинг террорчилар кириб олган ҳудудларида вазият деярли ўзгаргани йўқ. Фақат жангариларнинг Чўн-Олой туманидаги тўдалари ҳукумат ҳарбийлари босимидан чекиниб, Тожикистоннинг Жирғатол туманига ўтиб кетган. Қирғизистоннинг мудофаа, миллий хавфсизлик ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари террорчи гуруҳларнинг жойлашуви, ҳаракатланиши, тактикаси тўғрисида маълумотлар тўплаш ва таҳлил этишда изчил ҳамкорлик қилмоқда.

***

Доғистонда ҳамда Қирғизистон жанубида юз бераётган воқеалар бир-бири билан бевосита боғлиқ, деб баёнот берди Қирғизистон Президенти А. Акаев. Унинг таъкидлашича, бу жангарилар Афғонистонда — у ердаги «Толибон» ҳаракатига қарашли террорчилик марказларида ҳамда Чеченистондаги лагерларда махсус тайёргарликдан ўтган.

***

Қирғизистоннинг расмий ҳукумати айрим оммавий ахборот воситаларининг мамлакат ҳарбийлари билан террорчилар ўртасида музокара бўлиб ўтгани тўғрисидаги хабарларини инкор этади. Қирғизистон Президентининг матбуот котиби К. Имоналиев шуни маълум қилар экан, айрим хабарларда қайд қилинганидек, чоршанба куни жангарилар билан ҳеч қандай музокара ўтказилмаганини айтди.

***

Президент А. Акаев фармони билан мобилизация тўхтатилган бўлса-да, ҳарбий комиссарликларга кўнгиллилар келиши давом этмоқда. Улар фуқаролик бурчини бажаришга тайёрлик билдириб, комиссарлик раҳбарларидан ўзларини жангариларга қарши курашиш учун мамлакат жанубига юборишни сўраётир. Ҳозирча кўнгиллилардан тушаётган аризалар тўпланиб, ўрганилмоқда. Қирғизистон Мудофаа вазирлигидан олинган хабарга кўра, зарур бўлган шароитда дарҳол захира қисмлар тузиш учун ахборот-маълумот базаси ишлаб чиқилаётир.

***

Қирғизистондаги кўплаб давлат ва нодавлат, шунингдек, жамоатчилик ташкилотлари мамлакат жанубидаги қочқинларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда, улардан ҳозиргача кўплаб тонна ун, 250 та чодир ҳамда иссиқ кийимкечак ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари қабул қилиб олинган.

Айни пайтда қочқинлар сони бирмунча қисқаргани ҳақида ҳам хабарлар келиб турибди. Жумладан, Қирғизистон фавқулодда вазиятлар вазирлиги маълумотига кўра, тўрт мингга яқин қочқин ўз уй-жойига қайтарилган. Ўш вилояти маъмурияти эса шикастланган ёки вайронага айланган турар жой бинолари ва бошқа иншоотларни тиклаш учун жойларга қурилиш материаллари етказиб бермоқда.

(ЎзА)

Омон бўлай десанг, огоҳ бўл!

(Давоми. Боши 1-бетда)

билан савдо қилинадиган **янги бир «бозор»** очилса, бас, кимнингдир ғазнаси кўпайса бўлгани!

Ўзбекистон собиқ СССР даврида қизил империянинг хомашё базаси бўлиб келганини афсусу надоматлар билан эсга оламиз. Энди муқаддас тупроғимиз аллақандай ажнабий жангарилар ҳарбий тайёргарлик ўтайдиган ҳарбий базага айланиб қолишига йўл қўймаймиз!

Халқимиз хонадонига рухсатсиз бош суқадиган, дастурхонига изнсиз қўл чўзадиган ва яна сурбетларча мусулмонлик даъво қиладиган бундай кимсаларга қандай жавоб беришни билади.

16 февралдаги қўпорувчиликларда иштирок этган айрим террорчилар суд жараёнида ўзларининг қилмишларига муносабат билдириб, «Биз буйруқни бажардик» деган гапни айтди. Таажжубга тушасиз: ёт элларда сангиб юрган, халққа, Ватанга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган кимсаларнинг кўрсатмаси қачондан буён буйруқ кучига эга бўлиб қолди? Уларнинг қўлида қандай ваколат бор? Одатда, инсоф-диёнат ақидасига кўра, халқнинг, **Ватаннинг даъвати — муқаддас буйруқ** деб тушунилар, бундай чорловга лаббай деб, бел боғлаб майдонга тушмоқ шараф ҳисобланар эди. Не кўргуликки, булар, ақидапарастлик дардига мутбало бўлганлар Ватаннинг даъватини эмас, Ватаннинг душманлари бераётган кўрсатмаларни буйруқ деб билмоқда, уларга бўйсунмоқда. Уларни Ватан тақдири қайғуга солаётгани йўқ, балки Ватанни сотиш эвазига бериладиган бойлик ва амал қизиқтирмоқда. Бинобарин, уларнинг «жиҳод»и ҳам бойлик ва ҳокимият йўлидаги интилишларини ниқобловчи бир восита, холос.

Миллатпарвар адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асарини эсланг. Отабек ёри — Кумушбибига бир гуруҳ ғаламис девор тешиб тажовуз қилмоқчи эканини эшитиб, муросасиз жангга отланади, бир ўзи уч муртадни гумдон қилади. Бу — ҳақиқат йўлидаги курашнинг бир намунаси.

Бугуни файзли хонадонимиз — Ўзбекистонимиз деворлари — муқаддас сарҳадларини тоҳ Тожикистон, тоҳ Қирғизистон томондан тешиб ўтишга уринаётган тажовузкорлар ҳам билсин: **бу юртнинг Отабеклари огоҳ!**

Бугунги кунда ақидапарастларнинг оёғи теккан ер борки, барчаси бойқушлар маконига, фожиалар гирдобига айланмоқда. Афғонистон — бунинг исботи, Чечнистон — бунинг далили, Доғистоннинг чегара ҳудудлари — бунинг гувоҳи. Доғистонда халқ улардан қаҳр-ғазабга келмоқда. Қирғизистоннинг Боткент туманидаги аҳоли уларни кўриши билан уй-жойини ташлаб қочмоқда. Беихтиёр Алишер Навоийнинг сатрлари ёдга тушади:

Эл қочса бировдан, эл ёмони бил они,
Аҳволида идбор нишони бил они.
Эл ичра улус балои жони бил они,
Олам элининг ёмон-ёмони бил они.

Яъни: эл кимданки қочса, у шу эл ичидаги ёмон одам. Бу — унинг қисматидаги омадсизликдан нишон. Ундайлар эл жонига келган балодир, дунёдаги энг ёмон одамдир.

Дарҳақиқат, террорист ва ақидапарастлар ҳам энг бадбахт, камхосият одамлар. Бу ёруғ дунёга келиб элнинг корига яраб, бир жойга бир ғишт қўймаган, бир жойга бир ниҳол ўтқазмаган, бола ўстириб, элнинг қаторига қўшмаган, бутун умри бузишу янчиш, ўзгаларни қонқақшатиш билан ўтган одамнинг қисматини бошқача йўсинда таърифлаб бўладими?

Россия телевидениеси Чечнистондаги террористлар маконида амалга оширилаётган ваҳшийликларни намойиш этди. Беихтиёр ўйга толасиз: бундай ёвузликлардан мурод нима? Ғоянинг тўғрилигини исботлашми? Умуман, зулмни, зўравонликни оқлаган, уларга йўл очиб берган ғоянинг тўғрилиги ҳақида гап очишнинг ўзи телбалик эмасми? Инсониятнинг заволига хизмат қиладиган бундай ғоянинг кимга кераги бор ўзи? Ёки ёвузлик орқасидан қаҳрамон бўлиш, ваҳшийлик билан ном чиқариш шу қадар ёқимлими? Бунинг оқибатида ваҳшийлик кўнгил эҳтиёжига, кундалик касбга айланиб кетмайдими? Ақидапарастликнинг ваъда қилаётган «жаннат»и шуми?

Ислом дини бизни меҳрибонликка, одобу ахлоққа ўргатган, булар эса нафратни қурол қилиб, шафқатсизликни турмуш тарзига айлантирмоқчи, қалбимиздан меҳрни сиқиб чиқармоқчи, отани болага, болани отага душман қилмоқчи. **Бамисоли диний ниқобдаги большевизм.** Большевиклар бутун дунё инқилобини амалга оширамиз, дея беҳуда чирангани каби, булар ҳам халифатчилик туғи остида етти иқлимни забт этмоқчи.

Биз ота-боболаримиз амал қилиб келган эътиқодда собитмиз. Бизнинг ўзимизга хос бой маънавиятимиз бор. Мамлакатимизда аввалбошданоқ ақидапарастлик ва терроризмдан етиши мумкин бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш чоралари кўриб келинмоқда. Шу боис ҳарчанд уринишмасин, террористларнинг Ўзбекистонда амалга оширилиши кўзланган режалари барбод бўлмоқда.

Оллоҳнинг ғазабига, халқнинг лаънатига учраган бу тўдалар энди жон талвасасида ҳар томонга бош урмоқда. Аммо қаёққа бош уришмасин, ҳар ёндан адолат тўқмоқлари ёғилиши тайин.

Муртазо ҚАРШИБОЙ

Шу кунларда Термиз пахта тозалаш очиқ турдаги акциядорлик жамиятига қарашли пахта қабул қилиш пунктларида иш қизғин. Ушбу пахта заводи 3 та пунктга эга бўлиб, бир кеча-кундузда 600-700 тонна ҳосилни қабул қила олади.

Суратда: (чапдан) «Янгиариқ» пахта қабул қилиш пункти бошлиғи Ражаб Худоёров, Маматмурод Очилдиев, механик Йўлдош Муртазоев, слесарь Қаюм Тошбоев ва Иброҳим Норхўжаевлар таъмирланган техника сифатини кўздан кечирмоқда.

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат

Шакардан ширин ўсимлик

Келажакда Сурхондарё стевия ўсимлигининг иккинчи ватани бўлиб қолишига бугунги кунда кўпчилик амин бўлмоқда. Чунки бунга тўлиқ ишонч, имконият ва шароит бор. Дастлабки изланишлар ўз самарасини бера бошлади.

— 1995 йилнинг баҳор ойларида мени туманимизнинг собиқ ҳокими Эшболта Шерматов чақириб, стевияни экиш, кўпайтириш ва ундан фойдаланиш зарурлигини айтди, — деди Шўрчи туманидаги Т. Бердиев номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ҳикматулло Аллаёров. — Шунда мен аввалига эътироз билдирган бўлдим. Чунки, биринчидан мутахассислигим иқтисодчи бўлса. Қолаверса, стевиянинг келажаги нима бўлади, деган ўй мени қамраб олганди. Шунда Эшболта ака: Ота-бобонгиз кетмон чопиб, нон топиб берган. Шу нонни еб катта бўлгансиз. Асл деққоннинг боласига дипломли мутахассис бўлиш шарт эмас. Фақат унга қунт ва изланиш бўлса бўлгани. Мана сизга пойтахтлик мутахассис домла Жўрақул Турсуновнинг манзили. Эртагаёқ Тошкентга бориб, шу инсон билан учрашинг ва ҳамкорликда ишни бошлайверинглар. Барча муаммоларни биргаликда ҳал қиламиз, — дедилар дона-дона, аммо теран тушунтириб. — Ҳеч иккиланманг. Насиб этса, Сурхон стевияси мамлакатимизни янада жаҳонга кўз-кўз қилади. Бунга тўлиқ имоним комил...

Шундай қилиб, «дипломсиз мутахассис» сифатида қишлоқ хўжалигига ҳам қўл урдим. Ишлар бошланиб кетди. Шу йилиёқ хўжаликдан 3 гектар ер олиб стевия экдик. «Оллохиёр Охун» фирмаси ташкил этилди...

Ҳозир Ҳикматулло аканинг уйида ва 14 гектар ер майдонида парвариш қилинаётган стевияни кўриб хурсанд бўлдик. Қисқа давр ичида у ўз мевасини бера бошлабди. Демак қилинган меҳнат, барча саъй-ҳаракатлар зое кетмаган. Яқинда Словакия элчихонасидан ҳам бир гуруҳ мутахассислар ташриф буюриб, келажакда ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олинди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, стевиянинг асл ватани бўлмиш Жанубий Американинг Парагвай давлатидагига қараганда Шўрчида етиштирилаётган ўсимликнинг ширинлиги икки баробар юқори экан. Ундан яхшигина шакар олиш мумкин. Яна шуниси қувонарлики, унинг уруғидан олинадиган ёғ ошқозон-ичак, қанд касалликлари билан оғриган беморларга яхши малҳам бўларкан.

Бу кўп йиллик ўсимликнинг баргидан 6-7 фоиз стевиязид моддаси олинади. Шакарга нисбатан 300-350 маротаба ширин демакдир. Шўрчидан олинадиган стевиязид моддаси эса 10-12,5 фоизни ташкил этаркан. Айни кунларда жаҳон бозорида унинг 1 грамми 200 доллар атрофида баҳоланмоқда. Энди Шўрчида етиштирилаётган стевиянинг баҳосини ўзингиз ҳисоблайверинг.

Шуни таъкидламоқчимизки, дунёдаги энг ривожланган АҚШ, Япония, Франция, Англия ва бошқа мамлакатларда ҳам стевиядан дори-дармон, ширин ичимликлар ва қандолатчиликда фойдаланилмоқда.

Баъзилар маҳаллий шароитда ўсимликдан уруғ олишни инкор этишган эди. Аммо, Ҳ. Аллаёров буни ўз меҳнати, ихтироси билан исботлади. Яъни Шўрчида стевиядан уруғ ҳам олинди. Харажат камайиб, фойда бир неча баробарга ортди. Айни кунларда эса ана шу уруғлардан олинган маҳаллий ниҳоллар далаларда ривожланмоқда.

Вилоят ҳокими Жўра Норалиевнинг шу йилнинг 4 июнидаги 106-сонли фармойишига асосан Ҳикматулло Аллаёров раҳбарлик қилаётган «Оллохиёр Охун» фирмасига стевия етиштириш учун 50 гектар суғориладиган ер майдони ажратиладиган бўлди. Демакки, янгиликни қўллаб-қувватловчилар бисёр.

— Насиб этиб завод қурсак, турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқарсак, — дея давом этади Ҳикматулло ака. — Элимиз, юртимиз, мамлакатимиз бундан ҳам бойиб бораверса, янги XXI асрга хомашё билан эмас, сифатли, хорижликларни лол қолдирадиган ва бежирим қадоқланган маҳсулотларимиз билан кириб борсак дейман-да! Эҳ-ҳе, ниятлар улуғ, орзулар кўп... Бу йил бир неча гектар майдондаги стевияни тажриба тариқасида плёнка тагига сақламоқчимиз.

Бир нарсага кундан-кун ишончим ортиб боряпти. Яқин йилларда жаҳон бозорида мамлакатимизда етиштирилаётган стевия ўз ўрнини топади. Мустақил мамлакатимизни жаҳонга кўз-кўз қилади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Уруғлик пахта теримоқда

Жиззах тумани хўжаликларида уруғлик пахта теримига киришилди. Бу йил 30 минг тонна ҳосил жамғариш кўзланган. Туман иқтисодини мустаҳкамлашга бел боғлаган пахтакорлар ҳосилни фақат юқори навларга сотишга аҳд қилишди. «Янги ҳаёт», Ҳамроқул Носиров номли, «Ўзбекистон», Шароф Рашидов номли хўжаликларда терим кун сайин авж олмоқда. Пахтакорлар «Ан-Боёвут-2», «Тошкент-6» навли пахтани тез ва сифатли қилиб териб олмоқдалар.

— Туманимиз пахтакорлари уруғчилик тизимини такомиллаштиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар, — дейди суҳбатда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Саттор Одилов. — Терим олдидан пахтакорлар билан тоза ва сифатли уруғ етиштириш учун келишиб олингани ўз самарасини бермоқда. Тайёрлов идораларининг ходимлари тез-тез пахтакорлар ҳузурида бўлиб амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Парбадой ТОЖИБОЕВ

«Мирбозор» — Соҳибқирон қадамжоси

«Мирбозор» ҳар жиҳатдан қулай гўша — Зарафшон дарёси соҳилида жойлашган. Бу масканнинг тарихи узоққа бориб тақалади. Ҳатто Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз лашкарлари билан бу ерда тўхтаб ўтгани ҳақида ривоятлар юради. Муҳими, истиқлол нафасидан «Мирбозор» яна қайта жонланди. Ўз замонасида гавжум ва серқатнов жойлардан ҳисобланган бу гўшада қурилиш, архитектура-лойиҳа ишлари амалга оширилди. Байрам арафасида «Мирбозор» фойдаланишга топширилди. Қарийб 10 гектар майдонда замон талабларига жавоб берадиган шарқона миллий бозор вужудга келтирилди. Нарпайликлар ўзига хос совғадан беҳад қувонишмоқда.

Ўткир ПЎЛАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 15-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та округ сайлов комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:

1 – Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Жалилов Шуҳрат Илҳомович — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси

Раис ўринбосари:
Асамов Шкурат Ҳуснутдинович — Очиқ турдаги «Ёшлик фабрикаси» акционерлик жамияти бошқаруви раиси

Комиссия котиби:
Собиров Абдуманнон Ғаппарович — Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бош мутахассиси

Комиссия аъзолари:
Атаджанов Муҳаммедкарим Расулович — Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Давлат акционерлик жамияти касаба уюшмаси қўмитасининг раиси
Бўрихўжаева Сурайёхон Матлабхўжаевна — Тошкент Давлат медицина институти бўлимининг мудираси
Вавилова Валентина Варфоломеевна — «Иргидромаш» заводи бош юристи
Матвеев Александр Алексеевич — «Новатор» ишлаб чиқариш корхонаси директорининг ўринбосари
Соатов Акбар Холматович — Акмал Икромов тумани 251-мактаб ўқитувчиси
Умаров Холхўжа Мукаррамович — «Тошуйжойинвестқурилиш» молия-қурилиш корпорацияси 42-қурилиш бошқармаси бригада бошлиғи
Ўтамурадов Акбар Ўтамурадович— М. Улуғбек номли Тошкент Давлат университети фалсафа факультети декани
Ҳакимов Қўчқор — Тошкент тепловоз депоси касаба уюшмаси цех қўмитасининг раиси

2 – Андижон округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Мирзаев Тўхтан Юлбарсович — Вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари

Раис ўринбосари:
Мукаррамов Омаджон — Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг раиси

Комиссия котиби:
Мамадалиев Баҳодиржон— Вилоят адлия бошқармаси етакчи мутахассиси

Комиссия аъзолари:
Абдуллаева Гўзал Мирзажоновна — Андижон шаҳар 2-мактаб ўқитувчиси
Абдусатторов Абдумуталиб Монасович — Хўжаобод тумани марказий касалхонаси врачи
Ахунова Муқаддамхон Мамадалиевна — Андижон шаҳар 3-маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Коробейникова Надежда Станиславовна — «Андижонтелеком» акционерлик жамияти инженери
Нўъмонов Келдибой — Олтинкўл тумани 11-мактаб ўқитувчиси
Раҳимова Равшаной — Андижон тумани Бобур номли ширкат хўжалиги хотин-қизлар қўмитасининг раиси
Раҳматуллаев Дилмуроджон Рохатуллаевич — «Камолот» ёшлар жамғармаси Андижон вилоят бўлими раисининг биринчи ўринбосари
Ҳожиматов Асомиддин — Андижон қишлоқ хўжалик институти ўқув жараёнини назорат қилиш инспекциясининг бошлиғи

3 – Бухоро округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Муқимов Комил — Бухоро Давлат университети ректори

Раис ўринбосари:
Ражабова Мавлуда Солижоновна — «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бўлимининг ижрочи директори

Комиссия котиби:
Аминов Фармон Мавлонович — «Маънавият ва маърифат» вилоят кенгашининг масъул котиби

Комиссия аъзолари:
Белоусов Михаил Михайлович — «Бухорогазсаноатқурилиш» очиқ турдаги акционерлик жамияти ишлар бошқарувчиси
Жўраев Усмон Султонович — Вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
Казоков Солих Нарзиевич — «Нефтғазқурилиштаъмир» акционерлик жамияти иш юритувчиси
Комилова Бону Рамазоновна — Когон тумани 5-мактаб ўқитувчиси
Мирзаев Рахим Ашурович — Бухоро тумани марказий касалхонаси бош врачининг ўринбосари
Обидов Ориф Ҳалилович — Жондор тумани «Юртим Ўзбекистоним» фермер хўжалиги раҳбари
Шарипов Ражаббой Зиёдуллоевич — Ромитан тумани 25-мактаб директори
Шаропов Олим Тўйчиевич — Ғиждувон тумани ветеринария лабораторияси бошлиғи

4 – Жиззах округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Шукуров Хидир — Пенсия жамғармаси Жиззах вилояти бўлинмаси бошлиғи

Раис ўринбосари:
Мирзабеков Саидаҳмад — Бахмал тумани халқ таълими бўлими мудири

Комиссия котиби:
Маматқулов Илҳом Саидович — Вилоят товар-хомашё биржаси бошқаруви раиси

Комиссия аъзолари:
Абдиров Амирали Абдирович — «Нуроний» жамғармаси Мирзачўл тумани бўлими раиси
Бобоев Болта — Арнасой тумани иқтидорли ўқувчилар лицейи директори
Норқулова Мамлакат Абдувалиевна — Пахтакор тумани 31-мактаб интернат ўқитувчиси
Турсунов Иркин — Зарбдор тумани марказий касалхонасининг бош врачи
Файзуллаев Садриддин Ҳайдарович — Вилоят Адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
Холбоев Ўктам Абдулқосимович — Дўстлик тумани пилла қабул қилиш пункти мудири
Хўжанов Боқи Хўжанович — «Нуроний» жамғармаси Зафаробод тумани бўлими раиси
Яценко Светлана Ғавриловна — Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахтанбанк»нинг Жиззах вилоят бошқармаси бўлими бошлиғи

5 – Навоий округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Рўзиев Баҳриддин Муртазаевич — Вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бошлиғи

Раис ўринбосари:
Ҳасанов Азимжон Аманович — «Қизилқумцемент» очиқ турдаги акционерлик жамияти қўшма корхонаси бош директорининг ўринбосари

Комиссия котиби:
Эргашев Ҳамидулла Олимжонович — Навоий тоғ-металлургия комбинати бўлимининг бошлиғи

Комиссия аъзолари:
Грачёва Любовь Александровна — Навоий шаҳар 18-мактаб ўқитувчиси
Йўлдошев Бобоқул Йўлдошевич — «Нуроний» жамғармаси Ҳатирчи туман бўлимининг раиси
Якубаев Ҳалила — Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
Қудайберганов Сабит Ембергенович — пенсионер, Зарафшон шаҳри
Қуттимуратов Ерназар — Томди тумани «Аяқудуқ» овул фуқаролар йиғини раиси
Исматов Саъдулло Тошпўлатович — «Навоийсувқурилиш» трести бошқарувчиси
Евтушенко Сергей Викторович — «Навоийқурилиш» бошқармаси бошлиғи
Лимарь Светлана Михайловна — Навоий тоғ-металлургия комбинати ҳуқуқшунослик бюроси бошлиғи

6 – Наманган округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Аҳмедходжаев Ҳамид Турсунович — Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти ректори вазифасини бажарувчиси

Раис ўринбосари:
Юлдашев Абдусалом — Вилоят адвокатлар уюшмаси раисининг ўринбосари

Комиссия котиби:
Умарова Нодира Носировна — Вилоят Адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Комссия аъзолари:
Алиханов Низомиддин Ҳамидович — Вилоят ортопед-жарроҳлик касалхонаси бош врачи
Баязитов Рафкат Ирикович — Давлатобод тумани 48-мактаб директори
Жалилов Юлдашали Абдуллаевич — Чортоқ тумани ҳокимининг ўринбосари – назорат инспекцияси раҳбари
Муродов Иминжон Абдувалиевич — Косонсой технологик-иқтисодиёт коллежи директори
Раҳмонов Тоҳиржон Иброҳимович — Наманган давлат университети филология факультети декани
Эргашев Олимжон Ҳамиджанович — Учқўрғон тумани «Қўғай» таъмирлаш акционерлик жамияти цех бошлиғи
Ҳошимов Мавлонхон Усмонович — Янгиқўрғон тумани насос станциялари, энергетика ва алоқа ишлаб чиқариш участкаси энергетиги
Юлдошев Амонжон Мамаджонович — Чуст тумани табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекцияси етакчи мутахссиси

7 – Самарқанд округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Холмуродов Рустам Ибрагимович — Самарқанд Давлат университети ректори

Раис ўринбосари:
Сирожиддинов Ўктам Самариддинович — Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмитаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Комиссия котиби:
Йўлдошев Эргаш — Ургут тумани 64-мактаб директорининг ўринбосари

Комиссия аъзолари:
Бакаева Маҳзуна Файзуллаевна — Самарқанд шаҳар Сиёб тумани 1-сон давлат нотариал идораси катта давлат нотариуси
Бобомуродова Хосият — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг масъул котиби
Бозоров Бахтиёр Ҳабибуллаевич — Булунғур тумани Қулчабий қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
Жуманов Фахриддин Улашевич — Пайариқ тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи
Каденцев Евгений Иванович — Самарқанд шаҳри 2509-автоколоннаси касаба уюшмаси қўмитасининг раиси
Сувонқулов Иноятулла — Самарқанд давлат чет тиллар институти маънавият ва тарих кафедраси мудири
Саидов Наим Мажидович — Самарқанд вилоят ҳокимлиги жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси
Қаҳҳоров Сирожиддин Йқромович — «Самарқанд-Телеком» корхонаси Каттақўрғон шаҳар бўлими техник директори
Қувасой шаҳар 8-механизациялашган кўчма қурилиш колоннаси бошлиғи Добров Алексей Алексеевич — Фарғона шаҳар 2-касалхона бош врачи
Луқманов Ҳамит Назирович — «ДЭУ текстайлкомпани» корхонаси директори
Махаматов Бахтиёр Одилович — Вилоят хўжалик суди раиси

8 – Сирдарё округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Муҳамедов Абдусаттор — «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси

Раис ўринбосари:
Алимов Иброҳим Мирзараҳимович — Сирдарё вилояти хўжалик суди раисининг ўринбосари

Комиссия котиби:
Плеханова Татьяна Львовна — Ғулистон шаҳар соғломлаштириш маркази раҳбари

Комиссия аъзолари:
Баратбоев Саидмурод — Янгиер қурилиш-иқтисод коллежи директорининг ўринбосари
Бегимов Муҳаммадқул Нишонович — Сайхунобод тумани ҳокимлигининг бўлим мудири
Блинов Виктор Викторович — Хусусий тадбиркор, Янгиер шаҳри
Бўриев Эргаш — Деҳқончилик саноати ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитаси бўлим мудири
Мустафоев Назиркул — Мирзаобод тумани санитария эпидемиология станцияси бош врачи
Сувонқулов Ғупронқул — пенсионер, Ховос тумани
Трибунских Владимир Иванович — Сирдарё шаҳри 290-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи
Эргашева Замирахон Қаҳрамоновна — Меҳнатобод тумани марказий касалхонаси бош ҳамшираси

9 – Сурхондарё округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Раҳимов Отабек Аҳмедович — Сурхондарё темир йўл дирекцияси бошлиғи

Раис ўринбосари:
Пармонов Абдумажид Равшанович — Жарқўрғон тумани 14-мактаб директори

Комиссия котиби:
Ҳамдамов Тойир Темирович — Бойсун тумани 15-кўприк қурилиш отряди бошлиғи

Комиссия аъзолари:
Бадалова Мавлуда Маҳмудовна — Музработ тумани марказий касалхонаси бош врачининг ўринбосари
Бўриев Абдуғофир Рауфович — «Камолот» ёшлар жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлими бошқаруви раиси
Давлатов Сахатмурод — Шеробод тумани 5-касб-ҳунар лицейи директори
Донаева Раъно Ҳуррамовна — Олтинсой тумани 31-мактаб ўқитувчиси
Сатторова Мавлуда — Термиз шаҳар «Нилуфар» номли болалар боғчаси мудираси
Тўраев Раимқул Қодирович — Термиз шаҳар 13-мактаб директори
Усмонов Баҳриддин — Вилоят акционерлик тижорат «Турон» банки бош юрист маслаҳатчиси
Чориев Қоржов Ўразавич — Вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

10 – Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Муслимов Умар Баҳобович — Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Раис ўринбосари:
Шералиев Раҳматилла — «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент вилоят бўлими бошлиғи

Комиссия котиби:
Файзуллаева Шоҳиста Муртазаевна — Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Комиссия аъзолари:
Акмалов Улуғбек Мирсодиқович — Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
Давлетов Тухтамуш — Вилоят қурилиш ва қурилиш ашёлари ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси
Зокиров Анвар Шукурович — Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
Ким Александр Сергеевич — Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани «Тошовул» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси
Тожибоев Дилшод Султонмуротович — Вилоят Адлия бошқармаси бўлимининг мудири
Худойбердиев Ҳосилжон Тожибоевич — Вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси
Хўжамуродов Иброҳим Рўзиевич — Тошкент Давлат аграр университети биринчи проректори
Шоюсупова Муҳаббат Ортиқовна — «Наврўз» хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг бошлиғи

11 – Фарғона округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Тожиев Расулжон Жумабаевич — Фарғона политехника институти ректори

Раис ўринбосари:
Лян Ревмир — Вилоят корейс маданий маркази раиси

Комиссия котиби:
Зиябиддинов Мухтор Турдиматович — Фарғона тумани молия бўлими мудири

Комиссия аъзолари:
Ахмадқулов Сайдаҳмат — Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари — агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят қўмитаси раиси
Абдурахмонова Мавлюда Маматовна — Риштон туман техник ижодкорлар маркази директори
Ахунжанов Мухторжон — Марғилон шаҳар «Ипак йўли» маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Ахунов Анваржон Азимович — Қўқон автойўл техникуми директори
Ғаниев Альберт Қурбаналиевич — Қувасой шаҳар 8-механизациялашган кўчма қурилиш колоннаси бошлиғи
Добров Алексей Алексеевич — Фарғона шаҳар 2-касалхона бош врачи
Луқманов Ҳамит Назирович — «ДЭУ текстайлкомпани» корхонаси директори
Махаматов Бахтиёр Одилович — Вилоят хўжалик суди раиси

12 – Хоразм округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Байджанов Ибадулла — Урганч қурилиш коллежи директори

Раис ўринбосари:
Сафаров Каримжон — Хоразм Маъмун академияси раисининг ўринбосари

Комиссия котиби:
Матқулиев Карим — Урганч Давлат университети қошидаги академик лицей директори

Комиссия аъзолари:
Абдалниязов Бахтиёр Алимович — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази Хоразм вилояти бўлимининг раҳбари
Артиқов Анатолий Шерметович — Хоразм вилояти ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг бошлиғи
Атаджанов Комулжон Бекчанович — Хоразм ҳудудий стандартизация, метрология ва сертификация Маркази директори
Бобожонова Олтинжон — Хоразм вилояти қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сифати бўйича давлат инспекциясининг бошлиғи
Ибодуллаева Гавҳар — «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Хоразм вилоят бўлимининг раҳбари
Нурметов Бахтиёр Қадамбоевич — Хоразм вилоят «Оролбўйи» ягона дирекциясининг директори
Сабиров Маҳмуд Салаевич — Вилоят давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи
Султанова Тўхтажон Машариповна — Урганч шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси

13 – Қашқадарё округ сайлов комиссияси

Комиссия раиси:
Ҳакимов Назар Ҳакимович — Қарши Давлат университети ректори

Раис ўринбосари:
Қурбонов Нортожи Султонович — Баҳористон тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг ўринбосари

Комиссия котиби:
Муродов Ғайрат Тўхтаевич — Шаҳрисабз шаҳар марказий касалхонаси бош врачи

Комиссия аъзолари:
Зайниев Нуриддин — «Муборакгаз» конлари бошқармаси бошлиғи
Мирзаев Хонимқул Эгамбердиевич — Ғузор тумани 13-касб-ҳунар мактаби ўқитувчиси
Мусаев Нормамат — Касби тумани «Мустақилобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси
Николаева Анфиса Ивановна — Таллимаржон ГРЭС дирекцияси юристи
Орипова Сайёра Мейлиевна — Косон тумани М. Бобоев номли мактаб директори
Раҳимов Ғаппор Эшқобилович — Китоб тумани «Навбаҳор» жамоа ширкат хўжалиги раиси
Содиқов Эркин Жабборович — Вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи
Юлдашев Баҳодир — Қамаша туман электр тармоқлари идораси бошлиғи

14 – Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси:

Комиссия раиси:
Мамбеткаримов Абдикерим — Қорақалпоғистон Республикаси болалар сил касалликлари санаторийси бош врачи

Раис ўринбосари:
Ибрагимов Марат Исмаилович — Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари

Комиссия котиби:
Абдиев Муратбай — Чимбой тумани ҳокимининг ўринбосари — назорат инспекцияси раҳбари

Комиссия аъзолари:
Аллабергенов Раман Розбаевич — Тўрткўл тумани МТП-1 давлат акционерлик жамияти раиси ўринбосари
Аллахова Гулара Мамутовна — Тахтакўпир туман маданият уйи директори
Ким Аркадий Андреевич — «Тахиатошсувэнергокурилиш» бошқармаси бошлиғи
Кудияров Абдинасир Мамутович — Кегейли туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
Михайлов Алексей Константинович — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари котибиятининг бошлиғи
Файзуллаев Қасимхан Турғанбекович — Нукус шаҳри Пристан шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси
Шермонов Давлатбой Юлдошевич — Амударё тумани «Дўстлик» жамоа хўжалиги бош иқтисодчиси
Юлдашев Муҳиддин Мадиярович — Беруний тумани давлат нотариал идорасининг катта нотариуси

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Н. КОМИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 8 сентябрь

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 13

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан душанба, 13 сентябрь «Узбекистон 1» телеканали кўрсатувлари соат 6.30 дан 16.00 гача ЎзТВ -II «Ёшлар» телеканали орқали намойиш этилади.

16.00 «Куйлардан — қўшиқларга». Мусиқий дастур.
16.25 «Озод ва обод юрт».
16.40 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
17.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнири учрашувлари ва тантанали очилишидан репортаж.
19.00 «Мувозонат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Назм ва наво». Фурқат лирикаси.
22.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнирининг тантанали очилишидан репортаж ва кундалик.
23.00 Гёте. «Фауст». Телеспектакль премьераси. 1-қисм.
23.50 «Ахборот».
00.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 80-қисм.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
8.40 Лирик тароналар.
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 19-серия.
10.00, 12.00, 14.00, Янгиликлар.
«Умид» намойиш этади:
10.05 «Акс-садо ҳақида эртак». Мультфильм.
10.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.40 Кундузги сеанс: «Вена почта маркаси». Бадиий фильм.
12.05 «Етгил камолга». Спорт дастури.
12.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Портрет».
12.30 Ватан тимсоллари.
12.35 «Иқтисод ва биз».
13.00 Н. Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 7-қисм.
14.10 «Мехригиё».
14.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
15.00 «Оламга саёҳат».
15.20 «Келажак уфқлари».
15.40 Ж. Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм.1-қисм.
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Қувноқ учрашув», мультфомоша)
